

АХСИКЕНТ ФОЖЕАСИ.

*Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи “Хотира ва қадрлаш
бўлими” мудири: **Донохон Шайхитдинова.***

Ўзбекистонда Наманган вилояти тарихий обидаларга бой ҳудуд ҳисобланиб, кўхна Ахсикент милоддан аввалги учинчи ва иккинчи асрларда бунёд этилган бўлиб, олиб борилган археологик қазишма ишлари жараёнида топилган ашёвий далиллар унинг айни шу асрларда шаклланганлигини тасдиқлайди. Ахсикент ёки Ахсикат номи билан аталиб узок давр давомида Фаргона давлатининг пойтахти бўлиб келган, Ахсикат номи биринчи марта X асрга оид манбаларда тилга олинади. Ахсикент шаҳри Андижон, Марғилон, Кўқон, Қува, Косонсой ва Поп орқали Хўжанд ва Илоқ шаҳарлари билан боғланган. Ахсикент шаҳри 1620 йилда юз берган 8-9 балли зилзила натижасида вайронага айланиб, қайта тикланмайди ва аввалги мавқеи йўқолади.

Косонсойлик машҳур географ ва табиатшинос олим Сайд Мухаммад Тоҳир ибн Абул Қосим томонидан 1640 йилда ёзилган ”Ажойиб ат – табоқат” асарида ёзишича, муаллиф зилзила оқибатларини ўз кўзи билан кўрган. Мазкур тарихий манбада Ахсикентда рўй берган зилзила шундай тасвирланади:... хижрий йили билан 1030 йилда Ахси вилоятида шундай зилзила бўлди, Сирдарёдан чайқалиб чиқсан сув дарё четидаги далаларни босиб кетди, сув билан чиқариб ташланган балиқлар қирғоқда типирчилаб ўлди. Катта дараҳтлар илдизи билан ўпирилиб, ерга қўлаб тушди, иморатлар қаттиқ ва тез-тез содир бўлиб тўрган зилзиладан вайрон бўлиб, кўп одамлар қўлаб тушган иморатлар остида қолиб ҳалок бўлдилар. Кўплаб одамларнинг оёқ қўллари синди, ҳайвонлар қўрқинчдан далаларга қараб қочди. 6 ойгача зилзила давом этди. Биринчи куни зилзила 70 мартағача содир бўлиб турди. Шуниси қизиқки, энг катта ва қаттиқ зилзила Ахси қўргонининг ичида бўлиб, атроф қишлоқларда зилзила силкинишлари бўлмаган. Аҳолининг жуда кўп қисми ҳалок бўлган. Тирик қолган инсонлар Ахсикентнинг ён атрофларида жойлашган қишлоқларга ва ҳозирги Наманган шаҳри бунёд бўлган жойга кўчиб келиб ўрнашган. Ҳозир Наманган шаҳри марказида Ахси номли кўча мавжуд. Унинг шундай деб номланиши бежиз эмас. Бу кўча шаҳар марказидаги Сардоба даҳасидан бошланади.(Сардоба – сара, тоза сув сақланадиган усти ёпиқ иншоот, ҳовуздир).

Ахсикент шаҳрининг харобалари ҳозирги вақтда Наманган вилоятининг Тўракўргон тумани, Шаҳанд қишлоғида жойлашган бўлиб, Сирдарёning унг соҳилидадир.

Ахсикент шаҳри Арк, шаҳристон ва рабод деб аталувчи уч қисмдан иборат бўлган. Буларнинг ҳар қайсиси уч томондан алоҳида деворлар билан ўралган. X - асрдаги манбаларда ёзилишича, арқда ҳоким саройи, хибсхона жойлашган. Шаҳристонда эса ички бозор ва жомеъ масжиди, рабодда хунармандчилик маҳаллалари ва ташқи бозор мавжуд бўлган. Шаҳристоннинг чор атрофи пишиқ ғиштдан қўрилган ҳовузларга қўйиладиган бир неча ариқ орқали сув билан таъминланган.

Ҳозирда Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг тарих бўлимида рассом Косяненко томонидан “Ахсикент зилзиласи” деб номланган матога мой буёқда чизилган расм жой олган. Бу расм зиёратчилар томонидан жуда катта қизиқиши уйғотмоқда. Бу экспозитсия юртимиз тарихини ўрганишга даъват этмоқда.

1917 йилдан бошлаб Ахсикент тарихий ёдгорлигини асраб авайлаш ва илмий ўрганиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланди. “Ахсикент” археология мероси обьектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш унитар корхонаси ташкил этилди. Бугунги кунда Ахсикентда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мақсад Ахсикент археология ёдгорлигини халқаро туризм манзилгоҳига айлантиришdir.

АДАБИЁТЛАР

1. Мозийдан садо илмий - амалий, маънавий марифий журнал 4. (68). 2015 йил сони.
2. San'at журнал.2/2013 йил сони. San'at Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
3. Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
4. Наманган садоси газета 3 сони апрел'.
5. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I.YU. Ю супов. Э. Ю. Мирзалиев
6. Наманган вилояти зиёратгоҳлари. Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева.